


ОБЛАСТДА МАШИНАДА ПАХТА ТЕРИШ БОШЛАНДИ

„Зангори кема“ капитанлари, суръатни кучайтиришда сизларга янги муваффақиятлар тилаймиз.



СУРАТЛАРДА: (чапдан) далаларда пахта тераётган «зангори кема»лар. Бригада бошлиғи Р. ИМОМОВ ва совхоз директори М. ОРТИҚОВ ўртоқлар ҳосилини қўздан кечиришашти. (ПASTDA) илгор механизатор Р. НАРЗИЕВ. Автор фотолари.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 176 (4382). | 8 сентябрь, 1971 йил, | ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари шаҳар партия комитетининг секретари К. П. Дудининг «КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг IV пленуми қарорлари асосида қанчалик қўриқилган раҳбарликни янада яхшилаш соҳасида шаҳар партия ташкилотини олдиди турган вазифалар», шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окуникийнинг «КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг IV пленуми қарорлари асосида Сирдарё областида қолғон ва совхозларга оталик ёрдамни янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги докладларини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Пленумда Тошкент области партия комитетининг секретари Н. И. Малихин ва Сирдарё области партия комитетининг иккинчи секретари Н. И. Обидин ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг инструктори С. З. Шпилева иштирок этди.

(Пленум иши ҳақидаги тўла ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

400.000 ТОННА „ОҚ ОЛТИН“ УЧУН

ОБЛАСТЪ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШ ВА ҒУЗАНИ ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШ БУЎИЧА ШУ ЙИЛ 7 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир қуилик тайёрланган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, туртинчи стун — бир қуилик қилинган дефолляция, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бекобод	0,81	1,40	10,5	70,8
Янгийул	0,38	1,19	17,1	59,8
Пискент	0,30	1,17	14,6	58,9
Ўрта Чирчиқ	0,44	0,96	17,0	86,4
Бўё	0,21	0,59	8,9	75,0
Оқдўғрон	0,09	0,28	12,2	88,2
Юкери Чирчиқ	0,13	0,28	10,9	80,8
Область бўйича	0,34	0,84	12,7	76,7

ОБЛАСТЪ РАЙОНЛАРИДА КАНОП ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 7 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир қуилик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Ўрта Чирчиқ	4,0	104,8
Янгийул	2,1	67,0
Юкери Чирчиқ	4,7	46,2
Бўстонлиқ	2,6	44,2
Оқдўғрон	2,4	41,0
Область бўйича	3,3	47,2

ОБЛАСТЪ РАЙОНЛАРИДА ЧОРВА ОЗУКАСИ ТАЙЕРЛАШ БУЎИЧА ШУ ЙИЛ 7 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Тошқиринга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — силос, учинчи стун — дағал хашак, туртинчи стун — се. нам.

Оқдўғрон	102,3	71,2	59,3
Бекобод	100,1	50,5	62,3
Бўстонлиқ	51,0	46,9	25,2
Бўё	112,6	52,2	47,9
Калинин	79,6	42,8	42,5
Юкери Чирчиқ	93,5	60,3	26,0
Оржоникидзе	64,8	71,6	85,8
Пискент	94,4	40,3	76,2
Ўрта Чирчиқ	73,3	46,0	35,1
Янгийул	74,9	37,8	37,8
Область бўйича	94,7	50,1	48,3

ЙИЛЛИК ПЛАН 20 КУНДА

Пажухимиз бизни бригада хирмонига бошлади. У ерда илгор бригада бошлиғи Маматқул Имомов билан суҳбатлашдик.

— Биз машина термини биринчи қаторида бошладик, дейди бригадир. Ҳозир даламизда турган «зангори кема» унумли ишлаётган. Кеча, ўтган кунни бир яри-икки процентдан пахта тайёрлаган бўлсак, бүгунги муҳалимиз камиди тўрт процент пахта тайёрлаш.

Маматқул Имомов бошчилик қилаётган бригада аъзолари совхозда илгорлардан санолади. Улар бу йил ҳар гектар ердан пландаги 17 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил қўтириш, еттиштирилган пахтанинг қарийб ҳаммасини машиналарда териб олишга қарор қилинган. Бригадининг Владимир Бозоров,

Чўлда тоғ отди.

Ҳаворанг кема шпинделлари чаноқлардан тоғиб чиққан олоқ пахтани қўздан қўйиб энди тиг тортган эди. Кема рулини бошқариб бораётган йигит юзидан майин табассум ишланадди. Оқ ҳарир чойшаб ёнинган далалар баҳодирларга кўксини очди.

Катта йўлдан юриб келаётган уч «зангори кема» ҳам карта бошига келгач саф тортди далага тушди. Бункерга оқиб тушаётган оқ момиқ дамба-дам қўпайиб боради. Машиналарнинг гуриллаган овози бутун чўл бўйлаб янграб кетди.

Карта бошида машиналар ишни қўздан кечириётган совхоз директори Муслим Ортиқов билан очик чехра билан қарашлади. Қўлдаги баракани кўраётган фахр билан гапир кетди.

— Ҳар бирда 9—10 тадан тўқ чигит бор. Демак, пахтани айнан терадиган пайт. Энди терини кучайтириш, етилган ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олиш керак.

Ҳамроҳимиз бизни бригада хирмонига бошлади. У ерда илгор бригада бошлиғи Маматқул Имомов билан суҳбатлашдик.

— Биз машина термини биринчи қаторида бошладик, дейди бригадир. Ҳозир даламизда турган «зангори кема» унумли ишлаётган. Кеча, ўтган кунни бир яри-икки процентдан пахта тайёрлаган бўлсак, бүгунги муҳалимиз камиди тўрт процент пахта тайёрлаш.

Маматқул Имомов бошчилик қилаётган бригада аъзолари совхозда илгорлардан санолади. Улар бу йил ҳар гектар ердан пландаги 17 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил қўтириш, еттиштирилган пахтанинг қарийб ҳаммасини машиналарда териб олишга қарор қилинган. Бригадининг Владимир Бозоров,

Умарали Усмонов бошлиқ аъзолари эса 35 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун курашашди. Азамат механизаторларининг ҳар бири 150—180 тоннадан пахта терамиз, дейишмоқда.

Шу кунни совхознинг Ризоқул Имомов, Турсунбой Файзиев бошлиқ бригадаларида ҳам машина терими уюшқонлик билан бошлаб юборилди. Анатолий Белоусов, Абдурахмон Хушвақтов, Арслон Ортиқов, Ражаб Рустамов каби азаматлар «зангори кема»ларини биринчилар қаторида пахтазорга олиб чиқдилар.

Суҳбат давомида совхоз директори ҳужалида амалга оширилаётган ишлар, режалар ҳақида батафсил ҳикоя қилди.

— Ўтган йил совхозимизда минг гектар майдонда пахта еттиштирилган бўлса, биз бу йил яна 300 гектар майдонга қўшимча чигит эдик. Қалби пахта иши билан ураётган механизаторларимиз ва деҳқонларимиз зиммаларига улкан вазифалар олишди. Улар ҳосилдорликни камиди гектар бошига 10 центнерга оширишга аҳд қилинган. Бу йил даламизда пландан ташқари минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз.

Кўкорол чўлида дур ундирётган пахтакорлар бу йил янада ғайрат билан меҳнат қилишди.

Мана, энди совхоз далаларида «зангори кема»лар тинимсиз гуриллямоқда. Бутун далада 10 та терим агрегати ишлаётган бўлса, эрта-инди барча машиналар ишга тушади. Чўл баҳодирлари ғайрат билан «оқ олтин»ни тезроқ йиғиб-териб олишга шоғиллашмоқда.

Совхозда машина теримига йил сайин катта эътибор берилляпти. Бизни бригадаларда ҳосилининг ҳаммаси техника кучи билан йиғиб

олинмоқда. Совхоз пахтакорлари бу йил пландаги 1500 тонна пахтани «зангори кема» бункерларидан тукишга қарор қилишган.

Ҳужалида чўли пахтазорга айлангирини билан тер тукаётган ақойиб пахта усталари бор. Улардан бири Аблаз Масалиевдир. У бошлиқ бригада ерда чигит ташлади. Йили ерда ундирилган биринчи ҳосил баракали бўлди. Йилим-теримни ави одирётган бригада азаматлари ҳосилининг чўлини чама-лаб кўриб, ҳар гектар ердан пландан ташқари 8—10 центнердан пахта териб олиш ниятида меҳнат қилишляпти.

Машина теримини сифатли ўтказишга алоҳида эътибор берилляпти. — дейди совхоз директори Муслим Ортиқов. Шу мақсадда механизаторларга берилдиган иш ҳақини ҳам пахта сифатига қараб тақсимлашни йўлга қўйганми. Ҳар тонна пахтада чигит на ифосилин 5 процентдан ошмаса механик-ҳайдовчига 15 сўмгача пул бериллади. 12 процентгача бўлса 10 сўмдан пул тўланади. Бу тадбир пахтани аъло сифатли теришга катта ёрдам берамиз.

Совхозда машина терими бошланганга ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа муддатда терим суръати тобора юксалиб бораляпти. Бутун деҳқонлар даламиз хирмонига 2 процент миқдорда пахта тўкишди. Эрта-инди терим суръатини 5—6 процентга етказишга ҳаракат қилинмоқда.

Улкан хирмонга дастлабки олтин тоналлар урилди. Энди бу хирмон кун сайин кўкка бўй чўйиб, тоғ чўққисидан ҳам баландга кўтариладди.

Н. ТУРАЕВ,

Бекобод райошидаги «Ленинград» совхоз.



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

БКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНТАШНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ ТОДОР ЖИВКОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикасининг халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги, тинчлик ва социализмни мустақамлаштиришдаги катта хизматларини, жаҳон коммунистлар ҳаракатида кўп йил актив қатнашиб кетганлигини тақдирлаб ҳамда тузилган кўнига олтиш йил тўлиши муносабати билан БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг раиси ЎРТОҚ ТОДОР ЖИВКОВНИ ЛЕНИН ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. ПОДГОРНИЙ, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ, Москва, Кремль, 1971 йил 6 сентябрь.

ОХАНГАРОН РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИ ИГИЛИШИ

6 сентябрда Охангарон район партия ташкилоти активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент области Совети партия комитети раисининг ўринбосари Н. И. Маматисаев очди. Тошкент области партия комитетининг иккинчи секретари Б. М. Истомин янги район меҳнаткашлари олдига турган вазифалар ҳақида гапирди.

Йиғилишда Охангарон цемент комбинати директори Т. Я. Шарипов, 3-«Охангарон» совхоз партия комитетининг секретари А. Эшонқулов, Охангарондаги 20-мактаб директори А. А. Любушканин, 4-«Охангарон» совхоз директори М. Давлатов, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Мухамедов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Шуни назарга олиб, терим даврида оммавий-сиёсий ишлар янада кучайтирилади. Илгор механизаторлар, чевар теримчилар ишнинг оқибатини таъминлайди. Илгорлар ишнинг доворий газеталарда ёритиб борилади. Бу ишларни сиёсий таъинлотчилар, агитаторлар амалга оширадилар.

Терим даврида пахтани ўз вақтида топириш катта аҳамиятга эга. Шуни назарга олиб, зарур транспорт воситаларини тайёрлаб қўйди. 30 та прицеп, 6 та трактор ва бошқалар тўхтовсиз ва унумли ишляди.

Биз пахта теримига тўла тайёрларлик кўрган ҳолда киришмоқдамиз. Азамат колхозчиларимиз, техниканинг тилини билган моҳир механизаторларимиз, ўз сўзларининг устидан чиқадилар. Зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Б. СУЛAIMОНОВ, Оқдўғрон райондаги «Озод» колхозининг раиси.

А. АХМЕДОВ, колхоз партия ташкилотининг секретари.

Х. АЛИШЕВ, колхоз бош агрономи.

А. БЕКТОШЕВ, колхоз бош инженер.

ДУНЁ ОВОЗИ

Чет эл хабарлари

ПБП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

ВАРШАВА

ПОЛЬША Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган XI пленуми «Польша Халқ Республикаси социалистик йўлдан янада ривожлантириш тўғрисида» съезд комиссияси ишлаб чиққан директиваларни маъқуллади ва уни ПБП VI съезди олдидан бутун партия ва халқ муҳофазасига қўйишга қарор қилди.

Пленум шунингдек Польша Бирлашган ишчи партиясининг VI съездининг қарорларини, съездга делегатлар сайлаш ва съезд олдидан мунозараси тўғрисидаги масала юзасидан қарор қабул қилди.

ПБП Марказий Комитети Польша Бирлашган ишчи партияси VI съездининг 1971 йил 6 декабрда Варшавада ўтказишга қарор қилди.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

ПРАГА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ деҳқонлари галла ўриш-йиғимининг тамомланишини гузал, хушчақчақ ҳосил байрами билан нишонламоқдалар. Ҳосил байрамининг катта тантаналаридан бири Словакиянинг Нитра шаҳрида бошланди. Словакиянинг ҳамма томонидан қишлоқ хўжалик илгорлари шу ерга тўғилди. Мамлакатнинг Чехия областларидан ҳам энг яхши деҳқонлар ва механизаторлар уларга меҳмон бўлиб келишди. Партия ва ҳукумат раҳбарлари шу ерда галлакорлар билан учрашди.

Шу кулларда бутун мамлакатда ўтказилаётган ҳосил байрами бу йил айниқса бош қувончли вазиятда нишонланмоқда. Далаларнинг меҳнатчилари секторидан ўрта ҳисобда 30 центнердан галла йиғиштириб олдилар. Бу эса ўтган йилдагидан анча кўп.



▲ ГЕРМАН—СОВЕТ дўстлиги ва ҳамкорлиги сиз қўриб турган ана шундай ажойиб мевадор бермоқда. «Штреланд» — Германия Демократик Республикасининг илгир қишлоқ хўжалик кооперативларидан бири санолати. Хўжалик Болтич денгиз бўйида жойлашган бўлиб галладан йил сайин мўл ҳосил қўтариб келмоқда. Айниқса далаларда «миронская-808» совет-бугдой нави жуда мўл ҳосил бермоқда.

Е. ШУЛЕПОВ фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

БУДАПЕШТ

ВЕНГРИЯ энг кўп доридармоний СССРдан олади. Совет Иттифоқидан ишлаб чиқариладиган кўпгина дорилар Венгрия Халқ Республикасида шўхрат қозongan ва манзур бўлган. Фармацевтика соҳаси СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик, ишлаб чиқаришнинг кооперативлаш ва ихтисослашти-

ришини кучайтириш йўли билан олиб боришмоқда. Яқин беш йил мобайнида Венгрияда доридармон ишлаб чиқариш йили баравар кўпаяди, бу дориларни биринчи навбатда ўзaro ихтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга экспорт қилиш ҳам яқин баравар ошади.

Ўзарo ихтисодий ёрдам кенгашининг XXV сессиясида қи-

бул қилинган комплекс программа социалистик мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ва ихтисодий интеграцияни яна кенгайтиришни назарда тутди. Фармацевтика соҳасида эса бу вазиранинг амал-и охирилиши инсоннинг саноат-саноатининг сақлаш қаб-би энг олижаноб вазифани ба-жаришга хизмат қилади.

ЧЕГАРАДАГИ НИЗО

ДОРУС-САЛОМ

ТАНЗАНИЯ ахборот ва радио аниқтириш министри Йекоб Намфунга Уганда президентининг Танзания ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари Уганда осмонини бузиб ўтиб ва Уганда қишлоғини бомбардировка қилди, деган даъволарини рад этди. У матбуот конференциясида гапириб, Уганда қўшинлари Танзания территориясини яна тўпга тутдилар, деди.

НАИРОБИ

КАМПАЛАДАН хабар берилганча, Уганда президенти генерал Иди Амин Танзания самолётлари Уганданинг Танзания билан chegarаларига яқин бўлган Тингани қишлоғини бомбардировка қилдилар, деди. Президент яна қўшинларини айтди. Танзания армиясининг бўлиқларини «Уганда»нинг тинч аҳолиси қарши оғир тўплардан ўқ уқдилар».

ЁШЛАР ҚЎЛИ БИЛАН

БЕЛГРАД, 6 сентябрь. (ТАСС). Ёшларнинг қўли билан Югославиянинг Бания-Лука шаҳрида ва Сава дарёси бўйида қўриқлаётган биноларни биттаздилар. Мамлакатнинг турли шаҳарлари ва қишлоқларидан келган йигит ва қизлар жуда яхши меҳнат қилишди. Бания-Лука шаҳрининг ўзидagina қўриқлаётган биноларга 6 ичидан 2,2 миллион ди-

ҚАТТИҚ ТАНҚИД

БУЭНОС-АЙРЕС, 6 сентябрь. (ТАСС). Махсус Латин Америка комиссиясининг бу ерда ўтказилган кенгашида АҚШ ҳукуматининг янги иқтисодий чоралари қаттиқ танқид қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Латин Америка учун тузган иқтисодий комиссияси томонидан кенгашига тақдим этилган докладда, «долларни қўтариб қилиш» чоралари Латин Америка мамлакатларининг эконо-

микасига салбий таъсир ўткази-ди, деб қайд қилинди. Никсон маъмурияти томонидан жорий қилинган янги чора, яъни четдан келтириладиган молларга қўшимча 10 процент солиқ солиш чораси жорий қилинганлиги, дейилди докладда. Латин Америкаси молларининг раёбатга бардош бериш қобилиятини анча камай-тирди ва шу мамлакатларнинг саноатини ривожлантириш про-граммасини амалга оширишни қийинлаштирди.

МОНГОЛИЯ СОЦИАЛИЗМ ҚЎРМОҚДА

ПБП СЪЕЗДИГА ТАЙЕРГАРЛИК

СОВЕТ КОСМОНАВТИКАСИ
ТИНЧЛИК ХИЗМАТИДА

СССР ВА ВЕНГРИЯ ХАМКОРЛИГИ
РИВОЖЛАНМОҚДА

БАХРЕЙН — ЯНГИ МУСТАҚИЛ
ДАВЛАТ

ҲАМИША ЙЎЛДА

Ота-онаси вафот этгач, Пу-жэни тоғаси ўз тарбиясига олди. Бола меҳнат нималигини жуда эрта ҳис этди. У ҳамма ишнинг итбат билан бажарар, ар-қон тўғир, мод боқар, чалма терарди.

Кунлар кетидан кунлар ўта борди, қайта-қайта баҳор кел-ди. Тез орада боланинг ҳаёти-да катта ўзгариш рўй берди. Яхши бир қилинган меҳнатчи билан у саноат кооперацияси артелига ишга кирди. Хат-са-воденз қишлоқи бир йилгача янги ҳаётига қадам қўйди.

Артель қичкинагина, чиқара-диган маҳсулотлари хил жуда кам бўлишига қарамай, Пужэ ўзини иқтисод бажариб қўйиб-ларди. Ахир у ўзига лойиқ иш топиб олган эди-да! Иқтисоди-нинг ишбилармонлиги ва қақ-қонқўлиги унга обрў келтир-ди.

Пужэ кўпчилиқ тенгдошлари қатори жуда сичиқ бола эди. У ҳамма ишга қўлини қўйди. Айниқса, аймоқ марказига қи-қинагина қора автомобил кел-ганида ёнидан нари кетолмай қолди.

Кунларнинг бирида Пужэ машина ёнига келиб, очик дера-задан ичкарига қаради. Қўлини яқинлаб турган думалоқ дис-ка текширган эди, қаттиқ овоз эш-итилди. Пужэ даст ўнгиланб қи-чиб қолмоқчи бўлди, лекин қичқилдириб бақувват қўллари уни ушлаб қолди. У машина ҳайдовчи эди. Ҳайдовчи йиғи-чани қўйиб-мағон қилиб уриш-ди, бироқ унинг машинага қи-зиқини бу билан заррача ҳам соғумиди.

...Табиат олти марта оқ қи-йинини кўм-қўқ либосга ал-маштирди. Пуравжов армияга кетадиган бўлиб қолди. Ана шу ерда унинг мурадас орузи амалга ошди. Хизмати тугай, деб қолганида у ростга, гу-воҳномали шофер бўлиб олган эди.

Армиядан бўшаган аскар юртига қайтайдиган кейин Цз-царлиқдаги автобаза директори олдига борди. Директор аввал-ти Пужэ эмас, балки ёпиқ, қадди-қомати келишган, кенг яғринли, худди спортчиларга ўхшаган йигитга ҳавас билан тикилди. «Шофер бўлиб ишла-моқчиман...» деди у. — Манга гувоҳнома...

— Ҳозирча сенга шатак ма-шина бераман... деди дирек-тор. — Тузатгин-у, йўлга чиқа-вер! Икки ойлик синов мудда-тида яхши ишласан, янги ма-шина олсан.

Шундай қилиб, аймоқ авто-базаси шоферлари рўйхатида

Пуровжаниннг ҳам номи пайдо бўлди. Шалогин чичиб кетган эски шатак машина турган жойда Пужэ эртадан-кечгача кунини ўтказар, уни юртидаги ури-ларди. Бошқа шоферлар бўлса бош қичқилганб қўйиларди: «Бу арава қишлоқнинг қўли-га тўшмади. Ёзди уни ташлаб юборингиз» ҳам бўларди. Сей жургама, деб овоза бўлмай қўя қол. Яқинда янги машина-лар келди, бирортаси тегиб қолар.

Тирришқоқ Пуравжов машина-нинг ҳамма ерини титқилаб чиқди, иқтисод кунларнинг би-рида унинг диванга икки-уч марта ақса уриб, ишлаб кетди. Пужэга шатак машинани йўлга олиб чиқиш учун берилган би-ринчи йўл қозони дўсида ҳамма

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ДОНГДОР КИШИЛАРИ

нарсадан қимматбаҳо туюлди. Ёзди ростга ишчилар сафига қўшилиб олган Пуравжаниннг ҳаётида янги давр бошланди.

1952 йилнинг қишида унинг ҳаётида зўр воқеа рўй берди. Пужэ «ЗИС-5» юк машинасида ишлаб, автопартияларнинг республика мусобақасида би-ринчи ўринни эгаллади. Ҳуку-мат уни Фахрий ёрлиқ билан мукофотлади, аравачали мото-цикл берди. Бу мукофот еш шоферни тағин ҳам юксак меҳ-нат кўрсаткичлари сари даъват этди.

— Ҳар бир ҳайдовчи ўзига ишониб топирилган техника-ни миридан-сиргача пухта би-лиши зарур... дейди Пурав-жов. — Профилактика техника-нинг ўхтисовсиз ишлашини таъ-минлайдиган энг асосий шар-дир. Кенга ва тақриблиқ шай-га ўргатган. Кейинги машина-да мен ўн олти йил юрдим. Би-рорта ремонт ҳам меннинг иш-тирокимиз ўтказилмади. Мон-голиянинг донгдор ҳайдовчи-ни Ендон-гуайдан ҳам кўп қара-дорман. Унинг раҳбарлигида ишлаган йилларим меннинг учун катта аҳамиятга эга бўл-ди.

Шоферларнинг айтишича, Пуравжов ўз машинасида 2 миллион топпа-километрдан ор-тиқ йўл босибди. Бу—ҳозирги пайтда худди шундай машина-лардан 9 тагининг нормаси, де-ган гап. У бундан ташқари 5 минг литр ёнгича тежаб қилиб, давлатга ярим миллион туғрик-

дан ортиқ даромад келтирибди. Пуравжов йўлга минг мартадан ортинроқ чиққан, сафарда 3300 кун бўлган.

Хангайнинг олоқоқ тўшди до-ношлари, Борогча водисининг бебеси ялангликлари, Хуэрэ-нинг саринг теваликларида «АР—12—15» номерли при-цеп ортган «ЗИС» машинасини жуда яхши билмади. Машина ҳамина юкка тўлган бўлади. Гоҳо-гоҳо машина кабинасидан ўрта ёшлардаги киши бошини ташқари чиқариб, кўрақларини тоз кериб ўзоқларга тикилиб қолади. Шунда унинг кўрақла-рида Мехнат Қизил Байроқ ор-дени, «Қўт» юлдузи» ордени ленталари ва Социалистик меҳ-нат бригадаси аъзоси нишони яқинлаб кетди. Пуравжов йўл ёқасидан ошқонга кириб тез-гина оқатилганида, яна йўлга тўшди. Ҳар гал йўлга чиқиш олдидан машинасини сичиқ-лаб қўздан кечирди.

...Беш қиррали катта ўтов-нинг ичи саришта ва чинидай тоза. Ўй бекаснинг чеварлиги ва чаққонлиги сезилиб туриб-ди. Лекин уйда ҳеч ким йўқ. Хотини ишга, тўрт боласи мак-табга кетишган. Оилавий аъ-нага кўра, Пуравжов стол ёни-га келиб оқатни тававуд қи-лишга тутинди.

Эшик тақиллаб қолди. Пу-равжаниннг автобаза директори чақириб келган экан. У газе-тарнинг янги сонларини йўл сумкасида қўшиб қўтарди-да, шошиланча базага қараб кет-ди. Шофер дўстлари у билан илтиқ саломлашдилар. «Пой-тахтга борар экансан, билиб қўй, Олтин медалсиз қайтсанг, базага киритмаймиз»...— ҳазил-лашиб қолдишди улар.

Орадан ўн кун ўтгач, Улан-Баторнинг қўқ марказида жой-лашган Ҳукумат уйидан Пурав-жов чичиб келди. Унинг кўра-ғида Монголия Халқ Республи-каси Мехнат Қаҳрамони Олтин юлдузи ва Суха-Батор ордени яқинлаб турарди. Ватан ўз фарзандининг ясаротини шу қадар юксак кўрарди.

Ҳозир машҳур ҳайдовчи Пуравжов республикада би-ринчи бўлган «миллионер» шо-ферлар бригадасининг аъзоси. У мамлакат йўлларидан янги «ЗИЛ—130» юк машинасини елдиқ қилибдириб юрибди.

Агар сиз Архангайдаги авто-базада бўлиб, бирор кишидан Дендэвийн Пуравжовни кас-тердан топсан бўлад, деб сўраб қолсангиз, шундай жавоб қи-лашди: у хаминча йўлда.

Н. НАМДАГСҮРЭН,
монгол журналисти.



МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ БУЙЛАБ

▲ Ўтган беш йилликда республикада 750 дан ортиқ саноат, қишлоқ хўжалик, маданиятнинг ва бошқа объектлар қуриб фойдаланишга топирилди. Бу объектларнинг қўчилиги совет мутахассисларнинг ёрдами билан қўрилди. Суратда: Александр Дубовицкий ва Уидрах Авирмэд Алтай Гоби шаҳридаги мак-таб қурилишида.

▲ Бу сурат Баян Чандман ўқув марказида олинган. Совет мутахассиси Владимир Прош-ченко монгол дўстлари билан ўз тажрибасини уртоқлашмоқда.

Е. ТЕРЕНТЬЕВ фотоси, (ТАСС фотохроникаси).



КАТТА ҚУРИЛИШЛАР

УЛАН-БАТОР

5 СЕНТЯБРЬ—Монголия бинокорлари кўп. Бу бай-рамни бутун мамлакат нишонлади. МХРда халқ ҳоки-мляти йиллари мобайнида замонавий қурилиш индуст-риясини барпо этилди. Кенг кўламли миллий кадрлар тайёрланмоқда. Қурилиш ишларида банд бўлган киши-ларнинг умумий сони кейинги беш йил ичидagina 40 процент, олий ва ўрта маълуми мутахассислар сони 4,3 барвар кўпайди.

Ўтган беш йилликда шу соҳада меҳнат унвондорлиги 39,2 процент ошди. Монголия Халқ Республикасида буг-ун 1940 йил давомида бажариладиган қурилиш ишлари айдиликда ўн кун ичида бажаришмоқда.

Қурилиш ва бинокорлик материаллари савбати ми-нистрининг биринчи ўринбосари Л. Мэрчдок ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Бу байрамни «Совет бинокорлари ҳам биз билан бирга нишонламоқ-да. Уларнинг меҳнати билан бизнинг мамлакатимизда заводлар, қонлар қурилмоқда, мактаблар ва фабрика-лар, обод ўй-қон масислари қад кўтармоқда.

Совет дўстларининг мамлакатимизда социализм қу-рилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

АЖОЙИБ ВИСТАВКА

КАРЛ МАРКС-ШТАДТ

СОВЕТ космонавтикасига бағишланб бу ерда очил-ган виставкага «Космос тинчликка фан инсонга хизмат қилиш» деган ном берилган. Бу виставкани ГДР жа-моат ташкилотлари билан бирга СССР фаилар акаде-микси таъин қилди.

Уч минг квадрат метр майдонни эгаллаган виставкада космик аппаратлар, екскаватор, плакатлар намоиши қи-линоқда. Бундан ўн йил муқаддам биринчи космо-навт—учувчи Ю. Гагарин космик парвозлар даврини очиб берган «Восток» космик кемасининг модели то-мошабинларнинг диққатини айланишга ўнга кўпроқ жалб этмоқда. Залнинг марказида «Луноход-1»нинг макети, стандарда эса совет автомат станциялари олиб келган Ой заминни қўйилган.

Бойқиринг космодромининг ҳаракат қилувчи макети, «Венера-4», «Луна-16» планеталаро автомат станция-лари, «Молния-1» алоқа йўлдоши, «Метеор» метеоро-логик йўлдоши, космик кемалар ички қурилмаларнинг макетлари, қийим-кечақлар ва бошқа экспонатлар то-мошабинларни диққаттирмоқда.

БУГУНГИ БАХРЕЙН

▲ АРАБ қиялиги — Бахрейн Арабистон ярим оролининг шарқий соҳи-лаги гузал ерда жойлашган. У Англиянинг сойиб муста-лакаси бўлиб нефтга жуда бойдир: 1971 йил 14 ав-густда Бахрейн ўзини муста-қил деб эълон қилди. Ҳуку-мат баёнотида Англия билан тузилган барча сийиш ва ҳарбий битимлар бекор қи-линади дейилди.

Бахрейн Бирлашган Мил-латлар Ташкилати ва араб мамлакатлари Иттифоқида қабул этилишини сўраб яти-моснома юборди. Суратда: Мамлакатнинг пойтахти Манана яқинидаги янги Иса-Таун шаҳри.

Камер Пресс— ТАСС
фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ДУСТОНА УЧРАШУВ

МОСКВАДАГИ дў-стлик уйида совет ва француз хотин—қиз-ларининг учрашуви этил-ди. Учрашув «СССР—Франция» ва «Фран-ция—СССР» мамияти доирасида ўтказилмоқ-да.

Учрашувда «Фран-ция—СССР» мамият-президент кенгашининг ижрочи президенти, а-вокат Андре Блюмев бошчилигидаги делега-цияси қатнашмоқда.

МЕХНАТ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНДИ

ВАРШАВАДА По-льша Касаба союзлари Марказий Кенгаши-нинг пленуми очилди. Меҳнат шароитларини яхшилаш масалалари кун тартибига қўйил-ган. Пленум ишида бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳ-барлари қатнашмоқда-лар. Польша Бирлаш-ган ишчи партияси Сийси Вюрессининг аъ-зоси, Польша Касаба союзлари Марказий Кенгашининг раиси В. Крүчек доклад қилди.

ГИПСДАН ЯСАЛГАН УИ

БЕРЛИН. Дессауда (Галле округи) гипс материалларидан 50 хонадонли уй қурилди. Ушбу экспериментал бинонинг лойиҳасини ГДР бинокорли ака-демияси Дессаудаги цемент институти би-лан ҳамкорлида иш-лаб чиқди.

ЗАБАСТОВКА—ЧИЛАР ГАЛАБАСИ

ФРАНЦИЯНИНГ Нант ва Анж шаҳар-ларидаги темир йўл-чиларнинг забастовка-си галаба билан туга-ди. Бу забастовка умуммеҳнат конфе-дерацияси билан Фран-ция Демократик меҳ-нат конфедерациясида кирувчи Касаба сою-зларининг қақирғига биноан ўтказилган эди.

ПОКИСТОНДА АМНИСТИЯ

РАВАЛПИНДИ. 6 сентябрь. (ТАСС). По-кистон президенти ге-нерал Яҳжон Шар-қий Покистондаги сийси галаба ла-рининг қатнашчи-ларга амнистия эълон қилди. Расмий ахбор-отда амнистия эълон қилинганлиги сийси таълиқотида ваъда-да мамлакатдан қочиб кетганларнинг ҳамма-сининг ватанга қай-тишларига ердан бера-ди, деб умид билди-рилди.

НЬО-НОРК, 5 сен-тябрь. (ТАСС). Поки-стонда амнистия эълон қилинганлиги хусусида АП Агентлиги берган хабарда айтиладики, бу амнистия халқ ит-тифоқи партиясидан тайинланган ва депу-татлик мандатларидан маҳрум этилган ёки султа берилган депу-татларга жорий қилин-майди. Бу амнистия, дейилди хабарда, ав-вало ҳарбий ва ярим ҳарбий ташкилотлари-нинг чет элларга қи-чиб кетган ёки яшри-қиб юрган вакиллари-га жорий қилинади.

АФГОНИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ БАЕНОТИ

АФГОНИСТОН ҳу-куматининг бу ерда эълон қилган бае-нотида Исроил Газо секторини ўзлашти-риб олишга уринаёт-ганлигини Афгони-стон қоралайди, дей-лади. Исроил араб территорияларини ок-купация қилиб турши-ни ва Газо шаҳри-нинг тўб аҳолисига нисбатан ирқий на-мситиш сийсатини да-вом эттириб, деб таъкидланади бае-нотда, халқаро қонулар-ни поймол қилишдан ташқари, Янги Шар-да одилона тинчликка эришув йўлида жи-дий тўқнашқилар ву-жудга келтирмоқда.

КИШЛОК ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯХШИ ТАДБИР

Район партия комитети КПСС XXIV съезди материалларини аҳоли орасида кенг пропаганда қилмоқда. Ҳозир районда 1300 сийёсий таъкилотчи, 680 сийёсий ахборотчи, 800 та яқин ағъатор аҳоли ўртасида иш олиб бормоқда.

Булардан ташқари, 1700 ўқитувчи ҳам колхоз ва совхозларда бўлиб, сўзед қарорларини амалга ошириш юзасидан суҳбатлар ўтказмоқда. Тўғрисида беш йилликнинг биринчи йилида районда юз бераётган ўзгариш ва режалар бу суҳбатларда ўз ифодасини топтомоқда.

ЧОРВАДОРЛАРГА ГАМХУРЛИК

Келес массовий чорвадорларга гамхўрлик куни сайин яхшиликчи бўлмоқда. Яқинда Р. Ҳамидов бошлиқ бир гуруҳи врач ва ҳамширалар Келес массовий чорвадорларга гамхўрлик медицина хизмати кўрсатишди. Врачлар эндиликда бу ерда тез-тез бўлиб, чорвадорларнинг соломатликларини текшириб турадилар. Бундан ташқари улар медицинага оид лекция ва суҳбатлар ҳам уюштиришди.

КИЗИҚАРЛИ ПРОГРАММА

Маданият уйининг бадий ҳаваскорлари ҳозир далада қориб, дилрабо қўшиқ, жозибали рақслари билан колхозчиларни хушнуд этмоқда. Улар программасида қозоқ, ўзбек, тожик, татар қўшиқлари ва ашуллалари бор.

Юнус Исҳоқов бошлиқ концерт бригадаси яқинда районнинг бир неча колхоз-совхозларида бўлиб. Бундан ташқари дала, шийонларда турли бадий, хужжатли

КИЗИҚАРЛИ ПРОГРАММА

фильмлар ҳам намоиш қилинмоқда.

КЎЧМА КУТУБХОНА

Ҳозир районда 30 дан ортиқ кўчма кутубхона ишлаб турипти. Бу кутубхонада бадий адабиётлар, кенг йиғин ишларда чиққан оммабоп брошюралар бор. Кўчма кутубхона деярли ҳамма колхоз ва совхозларда ташкил этилган. Уларнинг сони йилдан йилга ортиб бораётган. Махсус кутубхоначилар колхозчиларни ва совхоз ишчиларини қизиқтиришга китоблар билан тайинлашда яхши натижаларга эришмоқдалар. Кўчма

КЎЧМА КУТУБХОНА

кутубхоналарда марказий, республика ва област газеталарининг янги сонларини топишни мумкин.

ҚЎШ ҚАВАТЛИ МАКТАБЛАР

Бу йил районда жуда кўп янги мактаб биналари фойдаланишга топширилди. «Назарбек» совхозда янги мактаб 930 ўқувчи янги мактаб фойдаланишга топширилди. Октябрь ойининг биринчи кунидан бошлаб Қўш қаватли мактабда ҳам янги мактаб фойдаланишга топширилди. Бу мактаб ўз бағрига 536 ўқувчини олади.

Калинин райони.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси, 18.00 — Болалар учун. «Юлдузча» тележурнали (Ўзбек тили).

Рус тилида: 18.40 — «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: 18.50 — Журналистларнинг халқор бирдамлик кунига бағишланган кўрсатув.

19.05 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси оркестрининг концерти, 19.45 — «Ахборот» информацион программаси.

20.00дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

ЎЗБЕК ТИЛИДА: 11.30 — Физика, 7-синф.

«Жисмларнинг асосий энергетикаси ўрганиш усуллари», 12.00 — Умумий Физика, 12.25 — Физика, 7-синф.

«Жисмларнинг асосий энергетикаси ўрганиш усуллари» (рус тили).

17.30дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «Сихат-саломаатин» (илмий-оммабоп программаси), 20.40 — «Ешани» студияси кўрсатади.

«Марди-ман-гуани», 21.20 — «Ранс гудастаси» (концерт), 22.00 — «Ярим аср номаси» (кўп сериали телевидение хужжатли фильмининг 1050 йил ҳақидаги сериали), 22.50 — «Ўзеб» кистонда қозоқ адабиёти ва санъати декадаси олдидан.

«Қозоқ куйлари».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

ЎЗБЕК ТИЛИДА: 19.00 — Эстетика асослари.

8.10 синф, «Эстетика фани пимани ўргатиш» (Ўзбек тили).

Рус тилида: 19.40 — «Маншай хизмат» (реклама), 20.00 — Эстрада куйларидан концерт, 20.30 — «Тутишгандан афзал» (бадий фильм).

КИШКИ БИНОДА

Музланган — «ЎЗБЕКИСТОН», «Чайка», «ТОШКЕНТ СОВЕТИ», «НИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (шўфт соатлар), «МОСКВА» (тоқ соатлар), «СПУТНИК» (кўнуд ва кеч соат), «САНАТ САРОНИ» (кўнуд соат 11, 1 ва 3 да).

«Халқарат инжур» — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатлар).

Санга (3 серия, ўзбек тилида, кўнуд соат 420 минут), Утган кўнлар (Ўзбек тилида, кеч соат 8.20 минут ва 10 да) — НАВОНИ номли.

Журналистлар — «КЎКЧА», «ДРУЖБА» (тоқ соатлар), «ВОСТОК» (шўфт соатлар).

Еврей кўнлар (кўнуд соат 12, 2 ва кеч 6 да), Денгиз кўнлар (тоқ соатлар) — КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ.

Хоний — «ДРУЖБА» (шўфт соатлар).

Кўнни изланг — «МОСКВА» (кеч соат 9.20 минут).

Музыка садолари — САНАТ САРОНИ (кўнуд соат 5 ярим ва кеч 8 яримдан).

ЕЗГИ БИНОДА

Еврей қалб — ТЕЛЬМАН номли.

Учинчи қиз — «ФЕСТИВАЛЬ», Музланган — «ХИВА».

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ташкомиссионторг»и Тошкент шаҳар аҳолисида мебел, радио моллари ва пияни, моларни уйда бақолаш учун

БЮРОТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мебелларни нархлаш учун уйга чақирилган тоғаршунос нарсалари 3 тадан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

Бюроятлар — 33-99.63, 33-74.12, 33-51-78 телефонлари орқали эрталаб соат 9 дав кўнуд соат 5 гача қабул қилинади.

Бюроятлар 2 кун ичида бақарилади.

Уйга нархлаш учун тоғаршуносларни чақирганлар кўнудларини тўлайди.

нархловчинни чақиргани учун — 1 сўм, ҳар бир нархланган нарсаси учун — 15 ти. йин.

ТАШКОМИССИОНТОРГ

НИНГ КУШИМЧА ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

«ЎЗГИПРОАВТОДОР» ДАВЛАТ ЛОПИХА ИНСТИТУТИГА

(Локомотив кўчаси, 10-уй) малакали машинистлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай.

Тошкент шаҳар Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга қўйлаштириш ва информация қилиш бюроси қандай район икромия комитетлари хузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон Компартияси

Марказий Комитети наشريятини босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02803. А — 1826.

ИНДЕКС — 64697.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Бўстонлик райондаги Карл Маркс номи мактабда ўқувчи ушшоқлик билан бошлаб юборилди. У ерда ҳозир ўқувчи драма тўғариш аъзолари мактаб саҳнасида кўрсатиш учун янги пьесаларни тайёрлашга киришдилар.

Хаваскор ўқувчилар ҳамма Хаваскорда Нобелининг «Бой ила хизматчи» пьесасини кўрсатадилар.

Ф. АХМЕДОВ.

Оққўрғон райондаги «Ленин» колхозини 1, 2-мактабларини ўз оталигига олган. Колхоз правлениеси мактабни янги ўқув йилига тайёрлашда яқиндан ёрдам берди.

Колхоз кўчи билан бу ерда янги нурилар ҳам олиб борилди.

Н. ТУФОНОВ.

Оржоникидзе райондаги «Октябрь» колхозини бошқарушга таъинланди тарбиячи Матеева Нормова муҳрилик қилди. Боғчада ҳамма нарсаси жой-йойида. Болаларнинг янги раб дам олишлари учун ҳамма имкониятлар муҳайё қилинган.

Тарбия ўқовига 300 сўмликдан ортиқ турли ўйинчоқлар сотиб олинди.

С. МИРЗААЛИЕВ.

Бу йил Тошкент Давлат медицина институтининг 50 йиллик юбилейини нишонлайди. Ҳозир тўғри катта таралду қилинмоқда.

Юбилей олдидан олий ўқув юртининг босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар ташкил этилади. Шунингдек, институт фаолиятини йўлга қўйишда актив қатнашган олимлар ҳақида материаллар тайёрланади.

Т. МИНГБОВЕ.

Пискент райондаги «Гулистон» колхозини бошқарушга кўрсатишга ҳозир 150 дан ортиқ кичиктоёқ тарбияланмоқда. Бундан ташқари, ҳужаликда 6 та янги ҳам ишлаб турибди.

Кичиктоёқлар тарбиячилари Д. Собирова, М. Бойрова, И. Қодирова каби жонқурлар ота-оналарнинг хўрматини қозонмоқдалар.

Х. НОРМАТОВ.



ТОШКЕНТДАГИ МАКСИМ ГОРЬКИЙ номи маданият ва истрохот боғида аънавий табиат байрами ўтказилди. Бу байрамда килма-хил сайроқ кўшлар, ҳайвонларнинг жуда кўп турлари келтирилган эди. Тошкентда катта қизилғиш уйғотган бу байрамда фотомуҳбир И. Глауберзон ҳам қатнашиб, юқоридаги суратни олиб келди.

ФЕРУЗА — ҚИММАТБАҲО ТОШ

Феруза — қимматбаҳо тошлардан бири. Маълумки, бу хилдаги тошлар қадимда айрим кишилар учун бахт-саодат ва бойлик ҳисобланган бўлса, илҳомчи кил тоғариш исомлари учун бахтсизлик, азоб-уқубат келтирган. Олий табақа кишилари қимматбаҳо тошлар хиласига бойиб, номиқ хонлар учун ундан ясалган тақчиқорлар билан ўзларини кўзга кўрсатган бўлсалар, пасти табақа навоидалари — кўнлар эса уларни тоғ-чиқилари орасидан қазиб олишда азиз жонларидан айрилиб, бола-чақалари қашшоқликда ўтган.

Феруза — бу жозибали, номиқ ва тиниқ хаво рангга эга бўлган тош бўлиб, қадимда эронликлар уни тиниқ осмон гўлбағига ўхшатар эдилар. Мексикада — урайдиқилари эса нафис ўт рангига бўлиб, уларга боқсангиз кўнлигиз очилган. «Шарқнинг тошини номи билан доғ таратган Феруза ранги Чатқолдан оқиб тўшган энгил кўк суварисини, музликлардан бошланган Зарафшон ва Панжоб суларининг энгил ва беғубор рангини эслатди.

Ҳозирги кунда Шарқ тоши дуненинг уч қисмида қўнлаб учрайди. Буларнинг энг каттаси ва шу вақтларда ҳам ўз

этиборини йўқотмагани Эрондаги Нишонпур қонларидир. Шунинг учун ҳам у ерларда Феруза ҳақида турли-туман афсона ва эртаклар турган. Шулардан бирида «Феруза» — бу севги-муҳаббат йўлида қурбон бўлганлар суҳбадари дейилади. Шунинг учун ҳам феруза Шарқда ўз за, монасида тумор ва турли хасталиклардан халос қилувчи мўжиза тоши бўлиб хизмат қилган.

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

Ферузининг иккинчи салмоқли ватани Суоц қанализдан туя қадими билан олти кунда етадиган Синай биёбонидир. Бу ерда мис сақловчи кўн, тошлар орасида феруза ҳам борлиги аниқланган. араблар томонидан бу сувиз сақловчи неча минглаб асир-қўнлар келтирилди ва қимматбаҳо тош қазиб олина бошланди. Кўп йиллар давомида бу иккинчи планетамизда феруза макони ҳисобланган келган бўлса ҳам, кейинги йилларда Мексика ва Шимолий Американинг жанубида ҳам феруза

топилиб ва қазиб олина бошланди.

Хўш, феруза бизнинг республикамизда топиладиган деган савол турлади. Ферузининг айрим нишонлари Марказий Қўзғилум ва Чатқол Қўрғондаги қадимий олтин қазиб олинган шахта харабалари ва улар чиқиндилари орасида учрагани кўнлиқлик маълум. Шу боисдан Ўзбекистон ва Тожикистон геологлари бу тоғарури тошини излаб топиш учун кўп йиллар давомида илҳом-таваққул ва қидирув-разведка ишларини олиб боришди.

Шулар қатори «Тошкент геология» трестига қарашли «Кимгеология» экспедициясининг бир гуруҳ истеъдодли геологлари ўлкамиз бағридан феруза излаб топиш билан банд бўлишди. Натикада Емон-қашқир, Шарқ, Туятош, ва Тебин-бўғор участкаларида феруза борлиги аниқланди. Улардан тўрттаси қангли тошлар кидируви махсус экспедиция қарамоғига топширилди. Тожикистон геологлари эса Қўрама тоғлар ўлкасида жойлашган Қорғонларда феруза топишди. Геологларга машаққатли, лекин шарофли ишларида муваффақиятлар тилғимиз.

М. ЗОКИРОВ, геолог.

СССР Савдо министрлиги халқ истеъмол товарларининг энг яхши турлари доимий павильонини Бутуниттифок эксперт совети «Балеск-М» электрополотер, рангли ва тоза ойнадан қатор махсулотлар ва иккинчи класс «Украина-201» радиоприйимининг янги моделини ишлаб чиқаришга тавсия эди.

Суратларда сиз янги хўжалик молларини кўриб турибсиз.

А. СТУЖИН фотоси. (ТАСС фотохроникаси).



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГА ОБУНА БЎЛИНГ

Газетанинг уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга — 2 сўм 64 тийин, бир йилга 5 сўм 28 тийин. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГА ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАН!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1972 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМАРИДА, КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАР, КОЛХОЗ-СОВХОЗЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.